**"TASDIQLAYMAN"**

**Sirdaryo nasos stansiyalari va**
**Energetika boshqarmasi boshlig'i**
**o'rinbosari-komissiya raisi**
**______________B. Mamatqulov.**

**SNS va Energetika Boshqarmasi tasarrufidagi nasos stansiyalardagi elektrodvigatellarni mukammal ta'mirlash ishlariga doir e'longa qo'yilgan 22110012115040-sonli lotga asosan eng yaxshi takliflarni aniqlashda 2022-yil** 7-iyuldagi **davlat xaridlari maxsus axborot portalida elekton shakllangan dastlabki bayonnomaning muhokoma uchun qo'yilgan 2 ish kuni davri natijalari bo'yicha xarid komissiyasi yig'ilish**

**BAYONI - 18**

**2022 yil 13 iyul** **Guliston shahri**

**KUN TARTIBI:**

2022-yil 1-iyuldagi **22110012115040-sonli** lot bo'yicha yig'ilish bayoni bo'yicha davlat xaridlari maxsus axborot portaliga muhokomaga joylashtirish natijalarini ko'rib chiqish

*(B. MAMATQULOV, X. CHINIBEKOV, A. ESHQUZIYEV, SH. JURAYEV, G'. SULEYMANOV, J. TURSUNOV)*

1. **SNS va Energetika Boshqarmasi tasarrufidagi nasos stansiyalardagi elektrodvigatellarni mukammal ta'mirlash ishlari**ni g'olibini aniqlashda 2022 yil 7-IYULdagi dastlabki elektron bayonnomaga asosan "TURSUNOY" X.K (Toshkent viloyati, Zangiota tumani, Mustaqillik ko'chasi , STIR 200800225) xarid qilish tartib-taomillari yakunlariga ko'ra summasi **70 433 217 so'm qqs siz** va ushbu xizmatlarni bajarish muddati **20 kunga** berilgan taklifi eng maqbul deb topilgan edi.

*Ma'lumot uchun: 2022 yil 29 iyun kuni O'zbekiston Respublikasi Tovar xom ashyo birjasining maxsus elektron portaliga (etender.uzex.uz) eng yaxshi takliflarni tanlash bo'yicha hujjatlar* ***22110012115040****-son lot bilan e'lon joylashtirilgan.*

Bunda, "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunga asosan davlat buyurtmachisi tomonidan dastlabki electron bayonnoma rasmiylashtirilgan kunda davlat xaridlarining elektron tizimiga muhokama qilish uchun ikki ish kuniga joylashtirilishi keraklilgi belgilangan.

Shuningdek, ikki ish kuni ichida tanlash ishtirokchilari tomonidan tanlash o'tkazish natijalari bo'yicha e'tirozlar kelib tushmaganligi hamda muhokama uchun

belgilangan muddat tugaganidan keyin kelib tushgan e'tirozlar xarid komissiyasi tomonidan ko'rib chiqilmasligi ma'lumot uchun qabul qilinsin.

2. Tanlov Komissiya kotibi (J. Tursunov):

Davlat buyurtmachisi tomonidan xarid komissiyasiga taqdim etilgan muhokama natijalari to'g'risidagi axborot asosida xarid komissiyasining majlisi bayonnomasi rasmiylashtirilib va imzolangan kundan boshlab uch ish kuni ichida davlat xaridlarining elektron tizimiga joylashtirsin.

Tanlash natijalari bo'yicha tuzilgan shartnoma to'g'risidagi axborot Tanlov komissiya kotibi tomonidan maxsus axborot portaliga u tuzilgan kundan boshlab uch ish kunidan kechiktirmay joylashtirsin.

*Asos: "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunning 62-moddasi*

3. Moliya-iqtisod bo'limi boshlig'i (M.To'ychibayev) tuzilgan shartnomaga muvofiq tegishli to'lovlarni amalga oshirsin.

| | | |
|---|---|---|
| **Komissiya a'zolari:** | ______________ | X. CHINIBEKOV |
| | ______________ | A. ESHQUZIYEV |
| | ______________ | G'. SULEYMANOV |
| | ______________ | SH. JURAYEV |
| **Komissiya kotibi** | ______________ | J. TURSUNOV |

Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения
бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ***
**к договору (контракту) от 13.07.2022 г. № 2**
**между ЧФ "TURSUNOY" и Қуйи Сирдарё ИТХБ қошидаги Сирдарё насос станциялари энергетика бошқармаси на общую сумму 70433217,00**

Глава 170

Казначейский лицевой счёт 100021860244017042402170003

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4333900 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | 70 433 217,00 | | | 70 433 217,00 |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **70 433 217,00** | | | **70 433 217,00** |

Всего 70433217,00 сум — Семьдесят миллионов четыреста тридцать три тысячи двести семнадцать сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 21129965,10 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в _________ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика _______________ Абдуллаев Давронжон Вахобжон ўғли
(подпись) Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика _______________ Тўйчибаев Манасбой Бабаназарович
(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _______________
(подпись)

Получил работник заказчика _______________
(подпись)

«___» ________________ 20___г.

«___» ________________20___г.

**2-сонли шартнома**

**Гулистон шаҳри** **2022 йил "13" 07**

"TURSUNOY" ХҚ номидан низом асосида иш юритувчи *директор А.Худойкулов* бир томондан (бундан буён матнда "Бажарувчи" деб юритилади) хамда *Сирдарё насос станциялари ва энергетика_бошкармаси* номидан низом асосида иш юритувчи *бошлиқ Д.Абдуллаев*, иккинчи томондан (бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилади) қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

| т/р | Маҳсулот (хизмат) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Бир донасининг нархи | Умумий нархи |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Мирзаобод туманида жойлашган "Чўлқувар-2" насос станциясидаги 250 кВт 1500 об/мин электродвигателни мукаммал таъмири. | дона | 1 | 22 710 297 | 22 710 297 |
| 2. | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Ховос туманида жойлашган "Туркистон-1" насос станциясидаги 7,5 кВт 1500 об/мин электродвигателни мукаммал таъмири. | дона | 1 | 2 234 069 | 2 234 069 |
| 3 | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Оқолтин туманида жойлашган "Истиқлол" насос станциясидаги 2,2 кВт 3000 об/мин электродвигателни мукаммал таъмири. | дона | 1 | 1 241 685 | 1 241 685 |
| 4 | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Оқолтин туманида жойлашган "Истиқлол" насос станциясидаги 55 кВт 750 об/мин электродвигателни мукаммал таъмири. | дона | 1 | 9 468 368 | 9 468 368 |
| 5 | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Оқолтин туманида жойлашган "Истиқлол" насос станциясидаги 55 кВт 750 об/мин электродвигателни мукаммал таъмири. | дона | 1 | 9 468 368 | 9 468 368 |
| 6 | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Ховос туманида жойлашган "Сувчи-10" насос станциясидаги 160 кВт 1000 об/мин электродвигателни мукаммал таъмири. | дона | 1 | 25 310 430 | 25 310 430 |
| | **Жами** | | **6** | | **70 433 217** |

2.1. Буюртмачининг хуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб килиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз ҳоҳишига кўра қуйидагиларни талаб килиш:
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини коплаш;
- баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни коплашни талаб килиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофик кўрсатилган хизматларни қабул килиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофик кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг хукуклари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;

- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

- Бажарувчи рангли ва қора металларни Буюрмачига қайтариб беришни ўз зиммасига олади.

## III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг бахоси **70 433 217** (Етмиш миллион тўрт юз ўттиз уч минг икки юз ўн етти сўм. 00 тийин) ҚҚС билан.

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисоб рақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган кисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар буйича хисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб ракамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун хужжатлари талабларига мувофик белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. Шартнома буйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисоб варақ-фактура тузилган кун деб хисобланади.

Ғазначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш буйича мажбуриятларини бажарадиган кун хисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга хақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар хажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул килинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофик ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва хажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги куяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли кисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган холда ўзгартиришга хақли.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда мижозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар бахосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида етказилган зарарни қоплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли харакат (харакатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги хам кўриб чикилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофик, ҳал қилинади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2.Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Гулистон туманлараро иктисодий судида ҳал қилинади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ХО ЛАТ ЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сунг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тулик ёки кисман тугри бажаришига тускинлик киладиган холатлар юзага келса ва агар бундай холатлар, яъни ёнгин, тошкин, зилзила, бошка табиий офатлар, экспорт ёки импортга тусиклар ёки эмбарголар, уруш, жанговар харакатлар, террористик харакатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташкари), пандемия, амалдаги конунчиликдаги узгаришлар, давлат органлари ва Узбекистан Республикаси Хукумати томонидан кабул килинган умумий характердаги карорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосига таъсир килса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вакти бундай холатлар бартараф этилган вактга еки уларнинг окибатлари тугаши вактига кучирилади.

7.2. Форс-мажор холатлари юзага келган Томон, ушбу холат хакида шунингдек, холатнинг тахминий давомийлиги тугрисида бошка Томонни ёзма равйшда 7 (етги) кун ичида хабардор килиши шарт. Агар юкорида курсатилган холатлар тугрисида уз вактида хабар берилмаган булса, енгиб булмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу холатларни асос килиб ололмайди.

7.3. Хабарномада курсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган хужжатлар билан тасдикланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бирок улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йуклиги, шунингдек тегишли далилларнинг йуклиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод килинишига асос сифатида юкоридаги холатларни келтириш хукукидан махрум килади.

7.4. Фавкулодда вазиятлар юзага келган такдирда, томонлар зудлик билан узаро музокаралар олиб борадилар ва фавкулодца вазиятлар окибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш максадида куриладиган чоралар тугрисида келишиб оладилар.

7 .5. Агар форс-мажор холатлари ёки уларнинг окибатлари томонларнинг уз мажбуриятларини бажаришига тускинлик киладиган булса, томонларнинг хар бири бошка томонга ушбу шартномани бекор килишнинг кутилаётган санасидан 10 (ун) иш куни олдин ёзма равйшда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор килиш хукукига эга. Бундай холда томонларнинг хеч бири бошка томондан форс-мажор холатлари натижасида етказилган зарарни коплашни талаб килишга хакаи эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча туловларни Буюртмачига кайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тулик тулайди.

## VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар кандай ноконуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосига ёки билвосига пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш-олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро хужжатларнинг талабларини бузадиган харакатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халкаро хужжатлар талабларини бузилиши каби харакатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиршцдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай харакатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган харакатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа харакатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиклангунга қадар тўхтатиб туришга хақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш-бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги конунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро хужжатлар талабларини бузадиган харакатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб- таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона харакатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб- таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-харакатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга карши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейгингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича - тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун хам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун хам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## X. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

**«Бажарувчи »**
**"TURSUNOY" ХҚ**
Тош.вил, Зангиота тум. Эшонгузар қурғони,
Мустакиллик кўч.
х/р 2020 8000 8001 9154 3001
"Савдогарбанк" Зангиота филиали.
МФО: 00414
ИНН : 200 800 225

**А.Худойкулов**

**« Буюртмачи»**
**Сирдарё НС ва ЭБ**
Гулистан ш., А.Темур кўчаси 53-уй
л/с 1000 218 602 440 170 424 021 7003
МФО: 00014
ИНН: 200 969 694
ОКЭД: 22100
М.Б.Х.К.К.М. Тошкент ш. М.Б.
Молия Вазирлиги Ғазначилиги
х/р 23402000300100001010
ИНН: 201 122 919

**Д.Абдуллаев**

**"TURSUNOY" X.K. va "Sirdaryo NS va E.Boshqarmasi" o'rtasida 13 Iyul 2022 yildagi 2 sonli 70 433 217 so'm 00 tiyin ga tuzilgan shartnoma hujjatlari xuquqiy ekspertizadan o'tkazish to'g'risida**

**X U L O S A № 38**

*13* **Iyul** *2022 yil* **_Guliston shaxri_**

Ushbu shartnoma O'zbekiston Respublikasi «Xo'jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to'g'risida»gi qabul qilingan qonun talablariga asosan tuzilgan.

Ushbu shartnoma yuqorida ko'rsatilib o'tilgan «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to'g'risida»gi qonunning va Nizomning talablariga mos keladi.

Shartnoma nizolarini xal qilish qonun xujjatlarida belgilangan tartibda xo'jalik sud tomonidan, yoki taraflarning kelishuviga asosan xal qilinishi belgilangan.

Yuqoridagilarni inobatga olib **"TURSUNOY" X.K. va "Sirdaryo NS va E.Boshqarmasi" o'rtasida 13 Iyul 2022 yildagi 2 sonli 70 433 217 so'm 00 tiyin ga** tuzilgan shartnoma hujjatlari qonuniy jihatdan to'g'ri tuzilgan.

**Sirdaryo NSvaEboshqarmasi xuquqshunosi:** **U.Mirboboev**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI ZANGIOTA TUMANI XUSUSIY KORXONASI
TURSUNOY

# «TURSUNOY»

## *ХУСУСИЙ КОРХОНАСИНИНГ*

# *У С Т А В И*

Янги тахрирда

## 1. УМУМИЙ КОИДАЛАР.

«TURSUNOY» хусусий корхонаси бундан кейин «Корхона» деб юритилади ва унинг таъсисчиси XUDAQULOV ABDUMANSUR DULDUROVICH мулки асосида ташкил этилди.

Маълумотнома: Узбекистон фукароси XUDAQULOV ABDUMANSUR DULDUROVICH. Паспорт серияси АА №9712634 Зангиота ИИБ томонидан 15.05.2015 йилда берилган. Турар жойи: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар КФЙ, Н Хожибоев кучаси, 17-уй, 17-хонадон.

Корхонанинг тулик номи: «TURSUNOY» хусусий корхонаси.

Корхонанинг кискартирилган номи: «TURSUNOY» ХК.

1.1. Корхона давлат руйхатидан утиши билан юридик шахс хисобланади, уз фаолиятини Узбекистон Республикаси конунчилигига ва мазкур Устав асосида олиб боради, уз номидан мулкий ва хусусий номулкий хукукка эга булади, хужалик судларида даъвогар ва жавобгар булади.

Корхона мустакил балансн, уз номи ёзилган мухри, штампи, товар белгисн ва бошка реквизитларга эга булади.

Корхона эгаси узи хохлаган банкда пул маблагларини саклаш ва барча турдаги хисоб-китоб, кредит, касса операцияларини амалга ошириш учун хисоб-китоб ва бошка хисоб вараклар очиш хукукига эга булади.

Корхона уз уставида белгиланган вазифаларни бажариш учун Узбекистон Республикаси худудида ва ундан ташкарида юридик ва жисмоний шахслар билан турли олди-сотди операцияларини, шунингдек, бошка операцияларни конунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

1.2. Корхона уз фаолиятида Узбекистон Республикасининг "Хусусий корхоналар тугрисида"ги конун ва бошка конуний актларга ва ушбу низомга амал килади.

1.3. Давлат, унинг идоралари ва ташкилотлари корхона мажбуриятлари буйича жавоб бермайди, уз навбатида корхона хам, унинг идоралари ва ташкилотлари мажбуриятлари буйича жавоб бермайди.

1.4. Корхона чекланмаган муддатда фаолият юритади. (Агар чегараланган булса муддати курсатилади)

Корхона жойлашган манзил: Узбекистон Республикаси Тошкент вилояти Зангиота тумани, Эшонгузар КФЙ, Мустакиллик кучаси.

## 2 ФАОЛИЯТИ МАКСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

2.1 Корхонанинг фаолият юритишидан максад уз ишлаб чикариш фаолиятидан максад (фойда) олиш хисобланади.

2.2 Корхона уз максадидан келиб чикиб, фаолиятини куйидаги турларда олиб боради:

- Электр двигательларини таъмирлаш
- чакана савдо фаолияти,
- улгуржи савдо фаолияти,
- буюртма асосида кийим-кечак тикиб бериш;
- тикув трикотаж махсулотларини ишлаб чикариш,
- тикув-бичув ишларин,
- турли-туман тикув махсулотларини ва оёк кийимларини, [illegible] анжомларини ишлаб чикариб сотиш,
- кандолат махсулотларини ишлаб чикариш ва сотиш;
- озик-овкат махсулотларини ишлаб чикариш, махаллий ва иккиламчи хомашёларни кайта ишлаш, уларни юридик шахсларга накд пулга ва пул утказиш йули билан сотиш;
- нон ва нон махсулотлари, макарон, кандолат, гушт, сут, курук мева, шарбат, хайвонат ва усимлик мойлари ва бошка озик-овкат ва ноозик-овкат махсулотларини ишлаб чикариш, кадоклаш ва сотиш,
- нон войхоналар фаолиятини ташкил этиш;
- Асаларирларни купайтириш, асалларни ва асалари асли, хамда мумини ишлаб чикариш, йигиш, кайта ишлаш, таёрлаш, саклаш, сотиб олиш ва сотиш;
- кишлок хужалик махсулотларини етиштириш, кайта ишлаш, таёрлаш, саклаш, сотиб олиш ва сотиш;
- иссикхоналарда кишлок хужалик махсулотларини етиштириш, кайта ишлаш ва сотиш;
- гушт махсулотларини (колбаса) кайта ишлаб чикариш сотиш;

- Сут ва гушт машсулотлари ишлаб чикариш ва сотиш техник воситаларга хизмат курсатиш ва уларни ижарага бериш, асбоб-ускуналар лизинги шохобчаларини ташкил килиш;
- Темир (нержавейка) кайта ишлаб чикариш, шакил бериш;
- хар хил темир буюмларни (эшик, панжара, решетка) ишлаб чикариш, таъмирлаш ва сотиш;
- металлоконструкцияларни ишлаб чикариш, сотиш ва урнатиш;
- уяли алока хизматларини курсатиш;
- пайнет хизматлари;
- компютерда ёзиш, нусха кучириш техникасида ахолига нусха кучириш хизматини курсатиш;
- компютер уйинлари ва интернет кафе шахобчаларини очиш;
- Мебел ишлаб чикариш;
- МДФ эшик-ром махсулотларини ишлаб чикариш;
- Ёгоч махсулотларини кайта ишлаб чикариш, ишлов бериш ва сотиш;
- халк истимол моллари (мебел, бежутерия ва бошкалар)ни ишлаб чикариш ва сотиш;
- халк хужалиги молларини ишлаб чикариш;
- курилиш молларини (буёклар, лак, аква, кора когоз, шлакоблок, пеноблок, брусчатка, биоблок, гишт ва бошка), хом-ашё, техника ва асбоб-ускуналарни ишлаб чикариш, калоклаш, тайерлаш ва сотиш;
- курилиш, курилиш-монтаж, жихозлаш, умумкурилиш ишлари;
- сугурта ва автосугурта агентлигини ташкил этиш;
- когоз махсулотларини ишлаб чикариш;
- санитар гигиеник, шахсан гигиеник (салфетка) ва туалет когоз махсулотларини ишлаб чикариб сотиш;
- Гилам тикиб сотиш;
- Автомобил-техник воситаларга хизмат курсатиш ва уларни ижарага бериш, асбоб-ускуналар лизинги шохобчаларини ташкил килиш;
- автомобилларга сикилган (метан) ва суютирилган (пропан) газ мосламаларини урнатиш;
- автомобиллар газ балонларини синовдан утказиш ва шунингдек, машинасозликда ишлатиладиган босим остида ишлайдиган балонларни синаш;
- газлаштирилган автоулов хайдовчиларни укитиш ва уларга гувохнома бериш;
- Автотранспортларни таъмирлаш ва сервис хизматини курсатишни ташкил этиш;
- автомобилларни ювиш хизмати тармокларини очиш;
- транспорт ва механик воситаларини сотиб олиш ва сотиш;
- транспорт хизматлари;
- автомобиль транспортида ахолига пуллик хизмат курсатиш;
- автомобиль транспортида йуловчиларни ва юкларни шахарда, шахар атрофида, шахарлараро ва халкаро йуналишлар буйича ташиш;
- автомобилларга ёкилги куйиш шахобчалари ташкил килиш;
- умумий овкатланиш корхоналари (чойхона) кафе, бар, ва ресторанларни очишни ташкил этиш;
- савдо-харид ва воситачилик фаолияти, дуконлар тизимини ташкил этиш;
- экспорт-импорт фаолияти;
- маиший хизматларни ташкил этиш (сартарошхоналар, кир ювиш хоналари, [illegible] кимёвий тозалаш, модалар ательеси, сауналар);
- маиший хизмат ва ахолини озик овкатга булган талабини кондириш
- дорихоналар фаолиятини ташкил этиш;
- дори-дармон препаратларини сотиш
- автомобилларга ёкилги куйиш шахобчаларини ташкил этиш;
- таёрланган махсулотларга бирламчи ишлов бериб кайта ишлаш;
- тери-жун махсулотларини кайта ишлаш;
- тижорат воситачилик фаолияти;
- ишлаб чикарилган махсулотларнинг савдосини (дукон, савдо шахобчалари) ташкил этиш;
- хисоблаш ва ташкилий техникани ижарага бериш;
- ахолидаги ташиш воситаларини, унинг кисимларини ва булакларини таъмирлаш ва уларга техникавий хизмат курсатиш;
- медицина хизматлари турларини кенгайтириш (шифохоналар, поликлиникалар ва стоматологиялар) ташкил килиш;

- пластмасс ва полиэтилен махсулотларини ишлаб чикариш ва сотиш,
- ёзма, огзаки ва бир йула таржиа килиш буйича хизмат курсатиш;
- чикиндиларни йигиш ва кайта ишлаш;
- технологик тармокларни, «НОУ-ХАУ» ларни сотиб олиш ва жорий этиш;
- ташки иктисодий фаолиятни амалга ошириш,
- моллар ва хизматлар буйича импорт ва экспорт муомиласини олиб бориш;
- ахолига ва ташкилотларга транспорт хизматини ташкил этиш;
- автомобилларни сотиб олиш ва воситали савдо килиш;
- спорт клубларини ташкил килиш;
- енгил саноат махсулотларини ишлаб чикариш ва сотиш.
- пойафзал, трикотаж, тикув ва керамик махсулотларини ишлаб чикариш ва сотиш;
- максадли сайёхликни, шу жумладан халкаро ва бошка дам олиш турларини ташкил килиш;
- мехмонхона хизматлари,
- чарм ва муйна махсулотларини ишлаб чикариш, сотиб олиш, сотиш ва ишлов бериш;
- хайр-эхсон фаолияти, махсус жамгармалар ва ташкилотлар билан хамкорлик, моддий ташкилий ва бошка хил ёрдам курсатиш,
- боглар яратиб турли хил мевали кучатлар экиш ва етиштирилган махсулотларни кайта ишлаш, саклаш ва сотиш;
- кишлок хужалиги ва гушт-сут махсулотларини устириш, сотиб олиш, кайта ишлаш ва сотиш, паррандачилик;
- уйингохларга оид бизнес ишларини ташкил этиш;
- танишиш хизматини ташкил этиш;
- укув жараёнини ташкил килиш ва утказиш (мактаб, курс, секция ва тугараклар) ташкил килиш,
- юридик ва жисмоний шахсларга ахборот, консалтинг хизматларини курсатиш;
- божхона хужжатларини расмийлаштириш хизматлари,
- чорва молларини етиштириб сотиш;
- суд, давлат органлари, муассасалар ва идораларда вакиллик килиш;
- экспорт- импорт операцияларини амалга оширган холда чакана савдо;
- реклама хизматлари , реклама стендларини ижарага бериш;
- машина ва кишлок хужалик техникасини эхтиёт кисмларини сотиш;
- чет тилларини урганишни ташкил килиш;
- модалар уйини очиш;
- гузаллик хоналари, массаж хоналарини ташкил килиш;
- Узбекистон Республикасидаги амалдаги конунчиликка зид булмаган бошка фаолият турларини амалга ошириш.

2.3. Ушбу Низомда курсатилган махсус рухсатнома (лицензия)лар талаб килинадиган фаолият турлари фирма томонидан амалдаги конунчиликка мувофик шу рухсатномалар асосида ина амалга оширилади.

## 3. КОРХОНАНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Корхона уз олдига куйган вазифаларни амалга ошириш учун куйидаги хукукларга эга:

- шартномалар тузиш, олди-сотди опреацияларни ва бошка юридик харакатларни амалга ошириш;
- амалдаги конунчиликка асосан ташки иктисодий фаолиятни амалга ошириш;
- бинолар, иншоотлар, корхона, транспорт воситалари ва бошка кучар ва кучмас мулкни ижарага олиш ва бериш;
- ишлаб чикарган махсулоти, курсатган хизматига бозор коньюнктурасини хисобга олган холда, мустакил равишда ёки келишилган бахоларда нарх белгилаш,
- банк кредитларидан фойдаланиш,
- ярмарка ва кургазмаларда иштирок этиш,
- юридик шахс хукукига эга булган бошка корхоналар ташкил этиш, филиаллар ва ваколатхоналар очиш;
- уюшма ва бирлашмаларга аъзо булиб кириш;

- амалдаги конунчиликка мувофик корхоналарга берилган бошка хукуклардан фойдаланади.

3.2. Корхона:

- Уз уставига риоя килиш, бошкарув органлари карорларини ижро этади;
- Узбекистон Республикаси конунчилиги ва уставда кузда тутилган бошка мажбуриятларни бажаради.

## 4. КОРХОНА МУЛКИ ВА ФОНДЛАРИ

4.1. Устав капитали микдори 1 050 000 (бир миллион эллик минг) сум билан ташкил этади.

4.2. Куйидагилар корхона мулкини шакллантириш манбалари хисобланади:

- таъсисчининг пул, товар ва моддий бадаллари;
- махсулот, ишлар ва хизматлар, шунингдек, хужалик фаолиятининг бошка турларини амалга оширишдан олинган даромадлар;
- банк ва бошка кредиторларининг кредитлари;
- кимматли когозлардан олинган даромадлар;
- Узбекистон Республикасининг амалдаги конунларида такидланмаган бошка манбаалар.

Корхона мулки асосий ва айланма маблаглар, шунингдек, киймати корхона мустакил балансида акс эттириладиган бошка моддий бойликлардан таркиб топади.

Корхона эгаси уз мулкига нисбатан Узбекистон Республикаси конунчилигида таъкидланмаган барча харакатларни амалга ошириш хукукига эга.

4.3. Махсулотни сотишдан тушган тушумлардан, ишлаб чикариш харажатлари ва бошка мажбурий туловлар (жумладан, мехнатга хак тулаш, ижара, карзлар тулови, судалар буйича туловлар ва бошкалар) чегириб ташлангандан сунг колган даромад мулкдорнинг тадбиркорлик даромади хисобланади ва уни мулкдор узи хохишича тасарруф этади.

4.4. Махсулот сотишдан олинган даромаддан ишлаб чикариш харажатлари, маъмурий харажатлар, бошка операцион харажатлар чегириб ташлангандан сунг колган таксимланмаган фойда мулкдор томонидан хар чорак, ярим йил якуни, 9 ойлик якуни, жорий йил якуни буйича таксимланиб боради.

4.5. Корхона ишлаб чикарган буюмларга фирма белгиси ёки ишлаб чикарувчининг фамилияси, буюм номи ёки рамзи, буюмни тавсифлайдиган бошка маълумотлар курсатилиши шарт.

4.6. Корхона эгаси корхона фондлари хажми ва ундан фойдаланиш тартибини мустакил белгилайди.

## 5. БОШКАРУВ ОРГАНИ.

5.1. Корхонанинг юкори бошкарув органи корхонанинг таъсисчиси хисобланади.

Корхона эгаси ишлаб чикариш, тижорат ва юридик жихатдан мустакил булиб, корхонанинг бошкарув ишларини олиб боради.

5.2. Куйидагилар корхона таъсисчисининг алохида ваколатига киради:

- корхона фаолиятининг асосий йуналишларини белгилайди, унинг режалари ва уларнинг бажарилиши тугрисидаги хисоботларни тасдиклайди;
- корхона уставига узгартириш ва кушимчалар киритади;
- вактинча директорни тайинлайди ва ишдан озод килади;
- корхона, шу жумладан унинг филиаллари фаолиятининг йиллик натижаларини, даромадлари (фойдасини) таксимлаш ва зарарларни коплаш тартибини тасдиклайди;
- директор ва корхонанинг бошка рахбарларини мулкий жавобгарликка тортиш тугрисида карорлар кабул килади.
- корхона фаолиятини кайта ташкил этиш ёки тугатиш тугрисида карорлар кабул килади, тугатиш комиссиясини тайинлайди, тугатиш балансини тасдиклайди.

## 6. КОРХОНАНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

6.1. Корхонанинг ижроия органи рахбари – корхона таъсисчиси.

Корхона эгаси, конунда белгиланган уз урнига вактинча рахбарни тайинлайди.

6.2. Рахбар корхона фаолиятига таалукли масалаларни уз ваколатлари доирасида мустакил хал килади, ишонч когозисиз унинг номидан иш куради, барча даражаларда корхона манфаатларини химоя килади, корхона мулкини тасарруф этади, шартномалар тузади, ишонч когозлари беради, банкда хисоб ракамлар очади, штат жадвалини тасдиклайди, корхонанинг барча

хоэимлари бажариши шарт булган буйруклар чикаради ва курсатмалар беради, амалдаги конунчиликка асосан корхонани бошкаришга дахлдор бошка хукуклардан фойдаланади.

## 7. ИШЧИ КУЧЛАРИНИ ЕЛЛАШ ВА МЕХНАТГА ХАК ТУЛАШ ТАРТИБИ.

7.1. Корхона томонларнинг мажбуриятлари курсатилган, ёзма равишда тузилган мехнат шартномаси (контракт)га асосан ишчилар ёллайди.

7.2. Мехнат шартномасида куйидаги маълумотлар булиши керак:

- муайян мутахасислик, малака ёки вазифа буйича ишларни бажариш мажбурияти;
- тузилган шартнома (контракт) муддати;
- мехнатга хак тулаш ва унинг шартлари, ижтимоий ва тиббий сугурта хамда ижтимоий таъминот тартиби;
- ходимнинг ижтимоий химояси;
- мехнат шартномасини тузиш маъсулияти;
- томонларнинг келишувига биноан бошка маълумотлар.

7.3. Корхона Узбекистон Республикасининг мехнат тугрисидаги конунчилиги талабларига риоя килишга мажбур булиб, корхонада ички иш тартибини урнатади, мехнат хавфсизлиги, санитария ва гигиена талабларига риоя этилишини таъминлайди.

7.4. Корхонада ишлаётган ходимларга урнатилган тартибда мехнат дафтарча берилади.

7.5. Елланма асосида ишлаетган ишчиларнинг иш хаки олдиндан тузилган шартнома ёки контрактда курсатилганидек, давлат томонидан урнатилган энг кам ойлик иш хакидан кам булмаслиги керак.

7.6. Корхона эгаси ижтимоий, тиббий сугурта ва ижтимоий химоя жамгармаларига Узбекистон Республикаси конунчилигига мос равишда мажбурий туловларни амалга оширади.

7.7. Корхонада пайдо буладиган мехнат низолари Узбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда хал килинади.

## 8. КОРХОНА ХИСОБОТИНИ ЮРИТИШ ВА, УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ КИЛИШ.

8.1. Корхона амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия, статистика хисоби ва хисоботларини юритади.

8.2. Корхонанинг молиявий хужалик фаолияти устидан назоратни корхона эгаси-мулкдор узи мустакил ёки у томонидан тайинланадиган тафтишчи амалга оширади.

Тафтишчи корхонанинг мансабдор шахсларидан барча зарур материаллар, бухгалтерия ва бошка хужжатларни талаб килиш хукукига эга.

Тафтишчи утказилган текшириш натижаларини корхона эгаси taкдим этади.

Тафтишчи йиллик хисоботлар натижалар буйича хулоса тузади, хулосасиз корхона билимон мулкдор томонидан тасдикланмайди.

8.3. Корхонанинг молиявий-хужалик фаолияти устидан шунингдек, четдан таклиф этиладиган аудиторлик хизматлари, солик ва бошка давлат идоралари уз ваколатлари доирасида махсус назоратни амалга оширади.

8.4. Корхона эгаси хисобот маълумотлари хакикийлиги учун конун олдида урнатилган тартибда жавоб беради.

## 9. КОРХОНАНИ КАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ.

9.1. Корхона фаолиятини тухтатиш, кайта ташкил этиш (кушиб юбориш, кушиб олиш, булиш ажратиб чикариш ва узгартириш - шаклида амалга оширилади.

Корхона кайта ташкил этилаетганда унинг хукук ва бурчлари хукукий ворисига утади.

Корхонани тугатишда унинг хукук ва бурчлари тухтайди хамда хукукий ворислик тартибида бошка шахсга утмайди.

9.2. Корхона куйидаги холларда:

- Таъсисчисининг умумий йигиш карори буйича;
- корхона банкротликка учраган, корхона руйхатга олиш хакига эга эмас деб топилган, фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) юритилган ёки конун томонидан такикланган фаолият амалга оширилганда, конунчиликда кузда тутилган бошка холларда суд карори билан тугатилиши мумкин.

9.3. Корхонани тугатиш тугрисида карор кабул килган таъсисчилари ёки идора корхонани руйхатга олган идора билан келишган холда тугатиш комиссияси ва корхона тугатиш тартиби ва муддатини белгилайди.

Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан бошлаб, корхона ишларини бошкариш сохасидаги ваколатлар унинг ихтиёрига утади. тугатиш комиссияси корхона номидан судларда иштирок этади.

Тугатиш комиссияси юридик шахсларни давлат руйхатидан утказиш хакидаги маълумотлар босиб чикариладиган матбуот органларида корхонани тугатиш, кредиторларнинг талабларини куриб чикиш муддатлари ва тартиби тугрисидаги эълонни чоп эттиради. бу муддат корхона тугатилиши хакидаги эълон чиккан кундан бошлаб, икки ойдан кам булмаслиги керак.

9.4. Корхонани тугатиш процедуралари Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида кузда тутилган тартибда амалга оширилади.

9.5. Кредиторларнинг талаблари каноатлантирилгандан сунг колган мулк маблаглар корхона эгасига тегишли булади.

9.6. Юридик шахсларни руйхатга олиш ягона давлат реестрига корхона тугатилиши хакидаги кайдлар киритилганидан сунг корхона тугатилган, корхона фаолияти эса тугаган хисобланади.

Корхона рахбари ______ TURMA[illegible]ULOV ABDUMANSUR DULDUROVICH

Davlat xizmatlari markazi

012828

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"TURSUNOY" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"TURSUNOY" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

07.02.2017 01282808 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 200800225

Tashkiliy-huquqiy shakli: Xususiy korxona

Joylashgan joyi: Toshkent viloyati, Zangiota tumani, Eshonguzar, Mustaqillik ko'chasi,

Guvohnoma: Toshkent viloyati, Zangiota tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

TURSUNOY

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI ZANGIOTA TUMANI XUSUSIY KORXONASI